ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

information about the famous *wazīrs (ministers)* of around fifteen states that existed before the Timurid period (1370–1506). While talking about the activities of the ministers, the author touches on the most important historical events of that country. At the same time, he thinks about the development of events and the participation of ministers in it. In this article, comments are made based on the translation of information about the ministers of the Ghaznavids sultanate (977–1186) from the work "Dastūr al-wuzarā". Although many researchers have studied the social, political, economic and cultural life of the Ghaznavids state in our scientific literature, there is little information about the role of the ministers of this state in the state administration and their activities. The article analyzes the information provided in the work "Dastūr al-wuzarā" about the ministers who worked in the Ghaznavids state. The work was written in Persian, and the copy kept in the manuscript fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under inventory number № 55/I was used for translation.

Key words: *"Dastūr al-wuzarā", "Ravḍat aṣ-ṣafā", "Jāmi' at-tawārīkh",* Ghaznavids*, Samanids, wazir, mustawfiy, divan, divan of letters and insha, katib, naib.*

Ф. Файзуллаев

Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар

Шайбонийлар XVI асрда тинимсиз шиддатли курашлар билан Марказий Осиёда йирик давлат тузди. Ушбу сулоланинг Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510, ҳукмронлик йиллари 1500–1510), Убайдуллахон (1487–1540, ҳукмронлик йиллари 1533–1540), Кўчкинчихон (1452–1530, ҳукмронлик йиллари 1510–1529) ва кейинги султонлари ҳам илм-фандан хабардор зиёли кишилар эди. Улар айниқса, Туронда бир қанча олий ўқув юртлари – мадрасалар, хонақоҳлар ва кутубхоналар бунёд этиб, илм-маърифатга ҳомийлик қилгани ҳақида қўлёзма асарлар ва тарихий ҳужжатларда кўплаб маълумотлар сақланиб қолган. Уларнинг миқдорига қараганда, юртимизда мазкур давр тарихи

жуда кам ўрганилгани яққол кўзга ташланмоқда. Шайбонийларнинг Марказий Осиёдаги тарихий фаолиятини ёритишда Масъуд Ибн Усмон Кўҳистонийнинг (XVI аср) “Тарихи Абулхайрхоний” [21], Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг (ваф. 1551) “Тарихи Рашидий” [14], Ҳофиз Таниш Бухорийнинг (XVI аср) “Абдулланома” [22], Восифийнинг (ваф. 972/1566) “Бадоеъ ал-вақоеъ” (“Ҳайратланарли воқеалар”) [9], Муҳаммад Солиҳнинг (ваф. 1535) “Шайбонийнома” [15], Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1494–1530) “Бобурнома” [8], Сейди Али Реиснинг (ваф. 968/1562) “Мирот ал-мамалик” (“Мамлакатлар ойнаси”) [20], Антони Женкинсоннинг (ваф. 1611) “Россиядаги Москов шаҳридан Бақтриядаги Бухоро шаҳрига саёҳат” [6] каби асарлар муҳим бирламчи манбалардир. Уларнинг кўпчилиги ўзбек тилига ўгирилиб, нашр қилинган.

Шайбонийлар сулоласи даврига оид В.В. Бартольд [6], А.А. Семёнов [23, 24], П.П. Иванов [12], Г.А. Пугаченкова [20], Р.Г. Мукминова [14], Б.А. Аҳмедов [5] З. Муқимов [15], Г. Агзамова [4], А. Замонов [9] ва хорижда Мартин Бернард Диксон [34], Нуртен Килич [36], Селим Серкан Уктен [37], Абдулкадир Масит [31] каби олимлар тадқиқотларни амалга оширган. Юқорида номлари келтирилган манбалар ва қуйидаги тадқиқотлар қиёслаб кўрилганда ҳам ҳақиқатан Шайбонийлар тарихининг ёритилиши жуда чала экани аниқ сезилади.

Шайбонийлар насабда Чингизхонга (1145–1227, ҳукмронлик йиллари 1206–1227) боғланади. Жўчининг бешинчи ўғли Шайбон (ваф. 1266, ҳукмронлик йиллари 1243–1266) акаси Ботухон (1210–1255/56, ҳукмронлик йиллари 1227–1255/1256) юришларида иштирок этган. У укасини 15 минг оилага бошчи қилиб, Дашти Қипчоқнинг шарқий ҳудудларини ҳадя қилади [2: 112]. XIV асрнинг бошларида Жўчи улуси Кўк Ўрда ва Оқ Ўрда қисмларига ажралиб кетади. Шайбон бошқарган ҳудудлар Оқ Ўрда таркибида қолади.

XIV аср охирларида тахт учун ўзаро урушлар авж олади. Шайбон авлодидан Абулхайрхон (1428–1468, ҳукмронлик йиллари 1428–1468)[1] Дашти Қипчоқдаги *қиёт, манғит, дўрмон, қушчи, ўтарчи, найман, тубайи, тоймас, жот, хитой, қорлиқ, ушун, қурлавут, эчки, танғут, туман-минг, қўнғирот* каби қабилаларнинг 200 дан ошиқ

[1] Абулхайрхоннинг насаб шажараси: Абулхайрхон → Давлатшайх ўғлон → Иброҳим → Пулод → Мунқа Темур → Бодақил → Жўчибуқа → Баҳодир → Шайбонхон → Жўчихон → Чингизхон [28: 23, 2: 113].

саркардалари қўллови билан 1428 йили 17 ёшида “улуғ хон” деб эълон қилинади. Абулхайрхон қисқа вақтда майда қисмларга бўлиниб кетган Шайбон улусини бирлаштиради. Тура шаҳри фатҳ этилиб, 1446 йилга қадар Абулхайрхон давлати пойтахти бўлади.

XIV асрнинг охирги XVI асрнинг биринчи чораги ўрталарига қадар Амир Темур (1336–1405, ҳукмронлик йиллари 1370–1405) ва Темурийлар Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Эрон ҳамда Ироқ мамлакатларида ҳукмронлик қилади. Шоҳрух Мирзо (1397–1447, ҳукмронлик йиллари 1407–1447) ва ўғли Мирзо Улуғбек (1394–1449, ҳукмронлик йиллари 1409–1449) вафотидан сўнг Темурийлар салтанатига қарашли ҳудудларда ўзаро тахт талашувлар ва парокандалик авж олади.

1451 йилда Темурий султон Абу Саид ибн Мироншоҳ (1424–1469, ҳукмронлик йиллари 1451–1469) Самарқанд тахтини эгаллаш учун Дашти Қипчоқ ҳукмдори Абулхайрхондан ёрдам сўрайди [3: 236]. Абулхайрхон катта қўшин билан келиб, Мирзо Улуғбекнинг куёви Мирзо Абдуллоҳ (ваф. 1451, ҳукмронлик йиллари 1450–1451) билан Булунғур бўйида жанг қилиб уни енгади ва Самарқанд тахтини Абу Саидга олиб беради. Мақсадига етган Абу Саид Мирзо катта тўловлар қаторида Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегимни иттифоқчи ҳомий Абулхайрхонга тортиқ қилади.

Фикримизча, Абулхайрхоннинг Мовароуннаҳрга ҳарбий-сиёсий ҳаракати фақат Абу Саиднинг ундан ёрдам сўрагани билан боғлиқ эмас. Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрга ҳаракати бирмунча эртароқ бошланган ва бунинг бир неча сабаблари ҳам бор эди:

а) 1431, 1435 йилларда Хоразмни қамал қилган Абулхайрхон, Темурийларнинг Хоразмдаги ноиби Иброҳим олдига Хоразм Чингизхон замонидан бери Жўчихон ва унинг авлодларига тегишли бўлган, шу боис ҳам Хоразм Шайбонийларга бўйсуниши зарур деган шарт қўяди;

б) Абулхайрхон Темурийлар давлати емирилишидан бир неча йил олдин яъни 1446 йилда Темурийлар давлатига тегишли бўлган, бироқ марказий ҳокимиятдаги низолар сабабли эътибордан четда бўлган Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Сиғноқ, Оққўрғон, Аркуқ ва Ўзганни босиб олади. Пойтахтни эса Турадан Сиғноққа кўчиради;

в) 1447 йилда Шоҳрух вафотидан сўнг Абулхайрхон Самарқанд ва Бухоро атрофларига юриш қилиб эгаллашга ҳаракат қилади;

г) Бобоси Абулхайрхоннинг ўрнига келган Муҳаммад Шайбонийхон: “Темурбек авлодларидан баъзи мулкларни тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Қазо меросий мулкни (Абулхайрхон эгаллаган ерлар) яна бизнинг қўлимизга ва ихтиёримизга қайтишини тақозо этади”, деб ҳисобларди [8: 79];

д) Муҳаммад Шайбонийхон Хуросонга юриш бошлашидан олдин ҳам дастлаб пири Мавлоно Муҳаммад Хитойини элчи қилиб юбориб: “Сизнинг ота-боболарингиз бошига оғир кунлар тушганда, қийин воқеалар юз берганда бизнинг улуғ даражали хонадонимиз хоқонларига бориб, итоат шартларини бажардилар. Сизлар ҳам оталарингиз қоидасига амал қилиб, бизга бўйин эгиб, душманлик эшигини бекитсангизлар”, дейди [17: 113].

Бу маълумотлар Шайбонийлар Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларини ўзларга қарашли эканини даъво қилишини англатади. Улар Чингизхон замонида эгалланган, кейинчалик Темурийлар қўлига ўтган ҳудудларни қайтаришга ҳаракат қилганлар. Темурийлар сулоласи инқирози Шайбонийларнинг бу ҳудудларни қайтаришга тарихий имкон эди. Шунинг учун Шайбоний султонлар Мовароуннаҳр тахтини эгаллаш ҳаракатини бошлаб юборади.

Абулхайрхон 1460 йилда Абу Саиднинг рақиби Абдуллатиф ўғли Муҳаммад Жўкий Мирзога (ваф. 1463) амирлари Бурка Султон (ваф. XV аср 80-йиллари, ҳукмронлиги 1469-йилдан XV аср 80-йилларигача) ва Пешкада султон бошчилигида қўшин жўнатиб Туркистон, Сайрам, Тошкент, Ахсикат, Шоҳрухияни эгаллаб олишида ҳарбий ёрдам беради. Абулхайрхон Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим тарафидан унга қариндошлик ипи билан боғланган эди. Муҳаммад Жўкийнинг Абулхайрхондан ёрдам сўраши ҳам эҳтимол, шу сабабдандир.

Муҳаммад Жўкий деярли бутун Мовароуннаҳрни эгаллайди. Бу даврда катта нуфузга эга бўлган Хожа Аҳрорнинг (1404–1490) аралашуви билан Темурий шаҳзодалар ярашади. Абу Саид билан Хоразмни талашган Султон Ҳусайнга (1469–1506, ҳукмронлик йиллари 1469–1506) ҳам Абулхайрхон ёрдамини аямайди [23: 55].

Абулхайрхон 1468 йилда вафот этгач, ўғли Шайх Ҳайдархон тахтга чиқади. Абулхайрхоннинг кейинчалик ғанимга айланган амирлари Ибоқхон, Жонибек, Бурка султон, Ёмғурчи, Мусо Мирзо ва

Олтин Ўрда хони Аҳмадхон Шайх Ҳайдархонни ўлдиради. Ўзбекларнинг Дашти Қипчоқдаги давлати шу тариқа қулайди.

XVI аср тарихчиси Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асарида келтирилишича, Абулхайрхоннинг ўн бир нафар ўғли бўлган. Биринчиси Шоҳ Будоқ Султон, онаси бурқут қавмидан [23: 55], Муҳаммад Шайбонийхон ва Маҳмуд Султон унинг ўғиллари эди. Маҳмуд Султоннинг Абулғозий Убайдуллоҳ исмли ёлғиз ўғли бор эди.

Шайбонийлар давлатчилигида Муҳаммад Шайбонийхон ва Убайдуллахоннинг алоҳида нуфузи бор. Шайбонийхон давлат ташкил қилди, Убайдуллахон уни кучайтирди ва кенгайтирди. Бу салтанат бир аср давом этди. Мовароуннаҳрда ўз давлатини қурган Муҳаммад Шайбонийхон ҳокимиятга келиши қандай рўй берди?

Муҳаммад Шайбонийхон ҳижрий 1451 йилда Олтинхон[1] наслидан Оққўзи бегимдан туғилади. Абулхайрхон неварасига Султон Муҳаммад Шайбон деб ном қўйди ва Шоҳбахт деб лақаб берди. У ёшлигида отаси Будоқ султон ва онаси Оққўзи бегимдан етим қолгач, отасининг содиқ хизматкори Қорачабек оиласида тарбияланади. Шоҳбахт, Шайбоқ, Шебони, Шоҳибек, Шайбоний тахаллуслари билан ғазал, рубоийлар битган. У 1508 йил 14 майда Бастом, Домғомда “Баҳр ал-худо” достонини ёзиб тугатади. Яна 1507–1508 йилларда ўғли Темур султонга атаб ёзган панд-насиҳатлардан иборат асари ҳам бизгача етиб келган.

Абулхайрхон вафотидан сўнг Ибоқхон ва унинг иттифоқчилари Абулхайрхонга энг яқин бўлган кишиларни қириб ташлайди. Фақат Муҳаммад Шайбонийхон, укаси Маҳмуд Султон ва бир неча ўзбек султонлари қочиб қутилади. Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳр ички ишларига аралашиши Темурий ҳукмдорларга хизмат қилишидан бошланади. У Туркистон ва Ўтрор ҳукмдори Муҳаммад Мазид тархон, Бухоро ҳокими Дарвиш Муҳаммад тархонга ўз қўшини билан хизмат қилади ва бир қанча жанговар курашларда иштирок этади [18: 79]. Кўп уринишлардан сўнг бобоси Абулхайрхон вафотидан сўнг пароканда бўлиб кетган қабилаларни бирлаштирди ва 1480 йилда ўзбеклар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлди. Ҳокимиятни қўлга киритишда унга ўзбекларнинг *қушчи, дўрмон,*

[1] Цзин сулоласидаи бўлган Хитой императорларининг барчаси Олтинхон аталган. Оққўзи бегим Есуго баҳодир ва Чингизхон билан замондош бўлган император Ши-Цзуннинг авлоди бўлса керак. Қаранг: [19: 372].

уйғур, қурлаут, эчки, найман ва кейинчалик яна 15 уруғи, турли ҳудудларга тарқалиб кетган ўзбек султонлари ёрдам беради.

У кейинчалик Дашти Қипчоққа қайтиб кетади. У ердаги ишларини тартибга солгач, 1487–1488 йилларда Сайрам, Ўтрор ва Туркистон шаҳарларини эгаллайди.

XV асрнинг охирларида Мовароуннаҳрда Темурийлар давлатининг инқирози кучаяди. 1494 йилда Аҳмад Мирзо ибн Абу Саид вафот этади. Самарқанд тахтига унинг укаси Султон Маҳмуд ўтқизилади. Кўп ўтмай, 1495 йили унинг ўрнини ўғли Бойсунғур (1495–1497) эгаллайди.

Самарқанд ва Бухоро беклари Бойсунғурни ҳисорликларга ён босганликда айблаб, укаси Султон Алини (1498–1500) тахтга ўтказишга ҳаракат қилади. Бу вақтда Фарғонада ҳоким бўлиб турган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Бойсунғурнинг акаси Султон Масъуд (1475–1506) билан иттифоқ тузиб, 1497 йили Самарқандни қамал қилади. Сиёсий қарама-қаршиликлар гирдобида қолган Бойсунғур ёрдам сураб Туркистонга (Ясси) элчи юбориб, Муҳаммад Шайбонийхондан ёрдам сўрайди. У қўшини билан етиб келади. Бироқ қўрқиб кетган Бойсунғур уни шаҳарга киритмайди. Муҳаммад Шайбонийхон бундан ранжиб орқага қайтиб кетади. Шу йили Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқандни эгаллайди. Лекин Андижонда вужудга келган вазият уни орқага қайтишга мажбур қилади. Мовароуннаҳрдаги воқеалардан яхши хабардор бўлиб турган Муҳаммад Шайбонийхон қулай вазиятдан фойдаланиб Самарқанд тахтини забт этади. У бирин-кетин Темурийларга тегишли бўлган шаҳарларни эгаллайди. Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг Бодғис яйловининг Қўҳдастон ҳудудида бўлади.

Муҳаммад Шайбонийхон Темурийларнинг бош таянчи бўлиб турган Ҳиротни эгаллашга эришади. 1507 йилнинг 30 майида Ҳирот Жоме масжидида Шайбонийхон номига хутба ўқилади ҳамда янги кумуш тангалар зарб қилишга буйруқ берилади. Бу воқеа Мовароуннаҳр ва Хуросонда узил-кесил Темурийлар ўрнига янги турк-ўзбек шайбонийлар сулоласи келганини англатар эди. Баъзи тадқиқотларда Шайбонийхон 1507–1509 йилларда пул ислоҳоти ўтказгани ҳақида маълумот берилади. 1510 йилда Муҳаммад

Шайбонийхон Исмоил Сафавий[1] билан бўлган урушда ҳалок бўлгач, у Мовароуннаҳрда фатҳ этган ҳудудлар қўлдан чиқади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса Исмоил Сафавий ёрдами билан Самарқанд тахтини яна бир бор эгаллайди. Бироқ ҳокимиятни қўлида сақлаб қола олмайди. У Муҳаммад Шайбонийнинг укаси Махмуд султоннинг ёлғиз ўғли Убайдуллахон билан курашишга мажбур бўлади [19: 55].

Убайдуллахон 1512 йил 7 апрелда Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси олдида катта йиғин ўтказади. У Жонибек султоннинг маслаҳатини тинглаб, 2600 жангчи билан Еттиқудуқ ва Тўртқудуқ йўли орқали Бухорога ҳужум қилади [23: 61]. Бухоро доруғаси Ширим тоғойи бу ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобурга хабар етказади ва у 60 минг кишилик қўшин билан Самарқанддан Бухорога қараб йўлга чиқади [24: 21]. Ҳасанбек Румлунинг (1530–1578) “Аҳсан ат-таворих” (“Тарихларнинг сараси”) асарида келтирлишича, жанг пайтида Убайдуллахон икки юзта яхши қуролланган аскари билан олдиндан тайёрланган чуқурга яшириниб олади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур жанг майдонида Шайбонийларни қочяпти, деб уларнинг ортидан марказга қўшин жўнатади. Ёнида беш юзга яқин жангчи қолади. Убайдуллахон яширинган жойидан чиқиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўшинига ҳужум қилиб, жанг тақдирини ҳал қилади [29: 415]. Бухоронинг ҳозирги Жондор тумани Малик кўли атрофида 1512 йил 28 апрелда бўлган бу жангда Заҳириддин Муҳаммад Бобур енгилади [11: 53]. У аввал Бухоро, эртаси куни Самарқандга чекинади ва оиласи билан шошилинч Ҳисорга кетишга мажбур бўлади [18: 63]. Убайдуллахон эришган ғалабадан хабар топган Исмоил Сафавий шу йилнинг ўзида ўн ёки ўн икки минглик отлиқ қўшинни Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ёрдамга жўнатади. Нажми Соний Хуросонга келганда Ҳусайнбек бир гуруҳ аскарлари билан унга қўшилади ва иккаласи Мовароуннаҳрга йўл олади [25: 63].

[1] Исмоил I Сафавий (1487–1524) Эрон шоҳи (1502 й. дан), Сафавийлар давлати асосчиси, саркарда, шоир. Қизилбошлилар ёрдамида Озарбайжонни (1500–01), Табризни (1502) эгаллаб, ўзини шоҳ деб эълон қилган. Тез орада Эрон, Арманистон, Ироқ ва Мовароуннаҳрнинг бир кисмини босиб олган (1503–10). Исмоил I даврида Сафавийлар давлати анча кенгайган. 1512 й. Исмоил I қўшинлари Бобурга Самарқанд тахтини эгаллашга ёрдам беради. Лекин 1513 йил бошида ўзбек султонлари Убайдуллоҳ ва Муҳаммад Темур қўшинидан қаттиқ зарбага учрайди [29:421].

“Бадоеъ ал-вақоеъ” асарида келтирилишича, Нажми Соний бошлиқ қизилбошлар Қаршини қамал қилганда Убайдуллахон Кармана, Кўчкунчихонда ва Темур султон эса Миёнкол музофотида эди. Улар чекинишга шайланиб турганда Мир Араб [1] Туркистон вилоятидан Бухорога келади. Мир Араб Убайдуллахон бошлиқ барча Шайбоний султонларини бирлаштириб жангга ундайди [12: 44]. Нажми Соний бошлиқ Эрон аскарлари Қаршини эгаллайди ва 15 000га яқин кишини қатли ом қилади. “Аҳсан ат-таворих” асарида қизилбошлиларнинг жасорати мадҳ этилса-да, Нажми Соний Қаршидаги Катта жоме масжидига беркинган аёллар ва ёш болаларгача ўлдирганини ҳам ёзади [29: 416]. Сўнгра у Қаршидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан бирга Бухорога йўл олади. Ғиждувон қальасини қамал қилади. Қанча уринмасин, қалъани қўлга кирита олмайди. Вазиятдан фойдаланган Убайдуллахон ва Жонибек султон Ғиждувонга йўл олади, йўл-йўлакай барча Шайбоний султонлар уларга қўшилади [29: 93]. 1512 йил 24 ноябрдаги Ғиждувон яқинидаги Зарангарон қишлоғи яқинидаги жангда Нажми Соний ва Бобур мағлубиятга учрайди [29: 287].

“Бадоеъ ал-вақоеъ” [25: 42], “Аҳсан ат-таворих”[29: 417], “Ҳабиб ас-сияр” [25: 289], “Тарихи Оламороийи аббосий” [32: 93] асарларида Нажми Соний жанг вақтида асир олингани, Убайдуллахон ҳузурига келтирилиб сўроқ қилингани ва кейин қатл этилгани таъкидланади. Ғалабадан кейин Убайдуллахон Бухорони эгаллайди ва Самарқандга келиб ўз номига хутба ўқитади. Бухоро ва Қарши вилоятларини олиб, қолган ҳудудларни Шайбоний султонларга тақсимлаб беради. Шайбонийлар аньанасига кўра, ёши улуғ бўлган Кўчкунчихон давлат тахтига (1512–1530) ўтиради. Бу вақтларда Убайдуллахон расман Бухоро вилоятини бошқаради.

XV асрнинг 40-йилларида Абулхайрхон томонидан бошланган ҳаракат XVI асрга келиб, Моваруннаҳрда Шайбонийлар сулоласи

[1] Шайх Мир Арабнинг тўлиқ номи Шамсиддин Абдуллоҳ ал-Арабий ал-Яманий ал-Хадрамаутий. XV аср 80-йилларида Мовароуннаҳрга келиб, Хожа Аҳрорга мурид тушади. Дастлаб Муҳаммад Шайбонийхон, сўнгра Убайдуллахоннинг ҳурматига сазовор бўлди. Айниқса, Убайдуллахон даврида шайхнинг обрўйи ошиб, унинг маслаҳатчиси ва маънавий устозига айланди. Бухородаги Мир Араб мадрасасининг қурилиши шу шайх номи билан боғлиқ. XVI аср 30-40-йиллари орасида вафот этган. Қаранг: [7: 74–79; 12: 39–60].

ҳукмронлиги тўлиқ ўрнатилиши билан якунланади. Бу сулола даврида Моваруннаҳрда кўплаб турли иншоотлар бунёд этилди. Маърифат ва маданият соҳасига чуқур эътибор қаратилди. Туркий, араб ва форс тилларида асарлар ёзилди. Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Россия ва бошқа мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий ва савдо алоқалари олиб борилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев М.Ҳ. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Филол. фанл. номз. ... дисс. Тошкент, 2000.
2. Абулғозий. Шажарайи турк / Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Махмудов. Тошкент, 1992.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2001.
4. Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связивавщих их с Россией (вторая половина XVI – первая половина XIX вв.): Автореф. дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 1990.
5. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994.
6. Бартольд В.В. Узбекские ханства / Соч. в 9 т. Москва: 1963. Т. II (1).
7. Джураева Г.А. Мир-и Араб и политическая жизнь в Бухаре в XVI в. // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем. Востоке в период феодилизма. Сб. статей. Москва, 1985. С. 73–79.
8. Женкинсон А. Россиядаги Москвадан Бацтриядаги Бухоро шахригача 1558 йилги саёхдт / Рус тилидан таржима, кириш, изоҳдар ва курсаткичлар муаллифлари Б. Аминов ва А. Замонов. Тошкент, 2017.
9. Замонов А., Тўхтабеков К. Бухоро хонлигида ижтимоий, сиёсий-иқтисодий жараёнлар. Тошкент, 2018.
10. Заҳиридцин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи: П. Шамсиев, С. Мирзаев, Эйжи Мано. Тошкент, 2008.
11. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форсийдан Наим Норқулов таржимаси. Тошкент, 1979.
12. Иванов П.И. Очерки по истории Средней Азии XVI – середины XIX вв. Москва. 1958.
13. Иноятов С., Хайитова О. Кармана тарих кузгусида. Тошкент, 2006.

14. Масъуд Ибн Усмон Кўҳистоний. Тарихи Абулхайрхоний. РФ ФА ШҚИ қўлёзмаси, инв. С 478.
15. Мирхонд Муҳаммад ибн Ховандшоҳ. Раузат ус-сафо. Темурийлар даври тарихига оид материаллар. / Форс тилидан ўзбек тилига А.Ҳазратов таржимаси. 2-қисм. Тошкент, 1941.
16. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конца XV – начала XVI вв. Ташкент, 1985.
17. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи (Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Тўлдирилган иккинчи нашри. Тошкент, 2007.
18. Мухамед Юсуф Мунши. Мукимханская история. / Пер. с тадж., предисл., примеч., и указатели А.А. Семёнова. Ташкент, 1957.
19. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. (Достон) / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Шодиев Э. Тошкент, 1989.
20. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: В. Раҳмонов ва Я. Эгамова. Тошкент, 2010.
21. Пугаченкова Г.А. К Истории костюма Средней Азии и Ирана XV – первой половины XVI вв. по данным миниатюр // Труды Среднеазиатского государственного университета им. В.И. Ленина. Ташкент, 1956. С. 85–119.
22. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. Тошкент, 2016.
23. Розен М.Ф., Малолетко А.М. Географические термины Западной Сибири. Томск, 1986.
24. Сейди Али Раис. Миръот ул-малолик / Ш.Зуннунов таржимаси. Тошкент, 1963.
25. Семенов А. А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковединие. Т.5. Москва-Ленинград, 1948. С. 137–155.
26. Семёнов А.А. Очерк устройства центрального администра-тивного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Вып. II. Сталинабад, 1954. С.76-86.
27. Султонова Г. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёркенд хонликлари билан алоқалари. Тарих фанл. номз. ... дисс. Тошкент, 2005.
28. Фазлаллах ибн Рузбехан Исфахани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) [Текст] / Пер., предисл. и примеч.

Р.П. Джалиловой; под ред. А.К.Арендса; [АН СССР, Отд-ние истории, АН УзССР, Ин-т востоковедения]. Москва, 1976.
29. Эфендиев О. А., Образование азербайджанского государства сефевидов в начале XVI в., Баку, 1961.
30. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдулланома / Форс тилидан Содиқ Мирзаев ва Юнусжон Ҳакимжонов таржимаси. Биринчи китоб. Тошкент , 1999.
31. Ҳасан Хожа Нисорий. Музаккир ул-аҳбоб / Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. Тошкент, 1993.
32. Ғиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир. Хабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар./Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари Ж. Ҳзраткулов, И. Бекжонов. Тошкент, 2013.
33. Abdulkadir Macit. Seybânî hanliği (1500–1599) / Doktora Tezi. İstanbul, 2015.
34. Duman. S. Zübdetü'l-âsâr [vr.461b-474b] adli eserin transkripsiyon ve değerlendirilmesi. Afyonkarahisar, 2015.
35. Martin B. Dickson. Shah Tahmasb and the Uzbeks / Dissertation presented to the Faculty of Princeton Unversity in Candidacy for the Degree of Doctor of Philosopy. USA, 1958.
36. Həsən Bəy Rumlu. Əhsənüt-təvarix (Tarixlərin ən yaxşısı). / Fars dilindən tərcümə və şərhlər O. Əfəndiyev. Kastamonu, 2017.
37. Nurten Killc. Siyasi kültürdeki değişimim: Şeybani han ve özbek siyasi insanlari (1500–1510). Ankara, 1999.
38. Selim Serkan Ükten. Buhara hanliği'nin askeri teşkilati (1500–1868) / Doktora Tezi. Ankara, 2015.

Ф. Файзуллаев

Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг сиёсий ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар

Шайбонийлар сулоласи XVI асрда Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган бўлса-да, уларнинг тарихи ҳозирга қадар зарур даражада холисона ўрганилмаган. Шайбонийхон ва унинг авлодлари фаолиятига Темурийлар ва уларнинг тарафдорлари назари билан эмас, холис тарихшунос назари билан қараш ўринлидир.

Шайбонийлар даврида марказлашган давлатга асос солинди. Россия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон каби йирик давлатлар билан ўзаро савдо дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди. Ўрта асрларда яратилган манбаларда бу даврни илмий асосларда ёритиш учун маълумотлар керагича етарлидир. XVI асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Шайбонийлар даврида ёки чет элда яратилган манбаларда атрофлича ёритилган. Ушбу мақолада Дашти Қипчоқдаги ўзбеклар давлати, Мовароуннаҳр ва Хуросонда XVI асрда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, Темурийлар ҳамда Шайбонийлар ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: *Абулхайрхон, Абу Саид, Дашти Қипчоқ, манба, Мовароуннаҳр, Темурий, турк-мўғул, Убайдуллахон, улус, ўзбек, Шайбонийхон, Шайбон улуси.*

Ф. Файзуллаев

Некоторые взгляды о приходе Шайбанидов к политической власти в Мавераннахре

Хотя династия Шайбанидов занимала важное место в общественной и политической жизни Средней Азии в XVI веке, она до сих пор не заняла должного места в истории. На деятельность Шайбани-хана и его потомков уместно смотреть не с точки зрения тимуридов и их сторонников, а с позиции беспристрастного историка. В эпоху Шайбани было основано централизованное государство, установлены торговые и дипломатические отношения с такими крупными странами, как Россия, Иран, Китай, Индия. В источниках, созданных в средние века, достаточно сведений, чтобы осветить этот период на научной основе. Общественно-политические изменения, происходившие в Мавераннахре и Хорасане в XVI веке, подробно освещались в период Шайбанидов или в источниках, созданных за границей. Статья посвящена приходу узбеков к власти в Дашти-Кипчаке, общественно-политическим изменениям, происходившим в Мавераннахре и Хорасане в XVI веке, взаимоотношениям Тимуридов и Шайбанидов.

Ключевые слова: *Абулхайрхан, Абу Саид, Дашти Кипчак, источник, Мавераннахр, Тимурид, тюрко-монгол, Убайдуллаххан, улус, узбек, Шайбаниxан, Шайбан-улус.*

F. Fayzullayev

Some thoughts about the rise of the Shaybanites to political power in Maverannahr

Although the Shybanid dynasty played an important role in the social and political life of Central Asia in the XVIth century, it still has not taken its rightful place in history. It is appropriate to examine the activities of Shaybani Khan and his descendants not from the perspective of the Timurids and their supporters, but from the perspective of an impartial historian. During the Shaibani era, a centralized state was founded, trade and diplomatic relations were established with major countries such as Russia, Iran, China, and India. There is enough information in the sources created in the Middle Ages, to shed light on this period on a scholarly basis. The socio-political changes that took place in Maverannahr and Khorasan in the 16th century were extensively documented during the Shaybanid period in foreign sources. The article is devoted to the rise of the Uzbeks to power in Dashti-Kipchak, the socio-political changes that took place in Maverannahr and Khorasan in the XVIth century, and the relationship between the Timurids and the Shaybanids.

Key words: *Abulkhairkhan, Abu Said, Dashti Kipchak, source, Maverannahr, Timurid, Turko-Mongol, Ubaydullah Khan, ulus, Uzbek, Shaibani Khan, Shayban ulus.*

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.